

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЭГАМБЕРДИЕВ КУВОНЧБЕК КОСИМОВИЧ

**ЎТ ҚОПИ РАК ОЛДИ ҲОЛАТИНИНГ МОРФОГЕНЕЗИ ВА
МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ**

14.00.15 – Патологик анатомия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эгамбердиев Кувончбек Косимович

Ўт қопи рақ олди ҳолатининг морфогенези ва
морфологик белгилари 3

Эгамбердиев Кувончбек Косимович

Морфогенез и морфологические проявления
предрака желчного пузыря..... 23

Egamberdiyev Kuvonchbek Kosimovich

Morphogenesis and morphological manifestations
of gallbladder precancer..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЭГАМБЕРДИЕВ КУВОНЧБЕК КОСИМОВИЧ

**ЎТ ҚОПИ РАК ОЛДИ ҲОЛАТИНИНГ МОРФОГЕНЕЗИ ВА
МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ**

14.00.15 – Патологик анатомия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib668 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашев Баҳром Собиржонович
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Исроилов Ражаббой
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Дауреханов Асатой Маметович
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Қозоғистон)

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» октябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фөробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (28 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фөробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (+99878) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2021 йил «14» октябр да куни тарқатилди. (2021 йил «14» октябр даги 17 рақамли реестр баённомаси).



Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б. Саидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ўт пуфаги рак олди касалликлари тиббиётда кам ўрганилган ечими топилмаган муаммолардан биридир. Эпидемиологик текширувларга бағишланган илмий адабиётлар маълумотлари бўйича ўсма олди жараёнлари бўлган сурункали холецистит ва ўт-тош касаллиги ривожланган давлатлар ишга қобилиятли аҳоли орасида ўртача 10-15% ни ташкил қилади. Хорижий муаллифларнинг келтирган маълумотларига кўра «...ҳар хил касбдаги инсонлар орасида бу касалликлар 3-12% гача тарқалган. Сўнгги ўн йилликда ўт пуфагининг ўсма олди патологиялари, полипсимон ҳосилаларининг кўпайиш тенденцияси кузатилмоқда...»¹. Ўт пуфагининг полипсимон ҳосилалари билан жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморлар ўртасида саратон 10% ни ташкил этади, аммо амалиёт вақтида асосий топилма бўлиб, полипозли холестероз 57-80% ҳолларда аниқланган. Ўт пуфагининг полипсимон ҳосилалари билан оғриган касалларни оператив йўл билан даволашнинг юқори кўрсаткичлари ўт пуфаги саратонининг этиологияси ва патогенези тўлиқ ўрганилмаганлиги билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу сабабли ўт қопи саратони олди ҳолатини юзага чиқарадиган турли омиллар таъсирида юзага келадиган патоморфологик белгиларини баҳолашни такомиллаштириш муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ўт қопи рак олди ҳолатининг морфогенези ва морфологик белгиларини баҳолашни такомиллаштириш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада биопсия материалида сурункали холецистит ҳар хил шакллариининг клиник-анамнестик таҳлили, ўсма олди жараёни сифатида учраш даражаси кўрсаткичларни, патоморфологик ўзгаришларини баҳолаш ҳамда сурункали холециститнинг ҳар хил шаклларида иммуногистохимёвий маркерларнинг Ki-67, Vcl-2, p53, циклин D₁ экспрессияланиш даражасини баҳолаш алгоритминини яратиш тартибинини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, сурункали касалликларнинг асоратлари натижасида юзага келадиган саратон касаллигини олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва

¹ Akgam M, Buyukyavuz I, Ciriş M, Eriş N. Adenomyomatosis of the gallbladder resembling honeycomb in a child // Eur J Pediatr. 2008 Sep;167 (9):1079-81.

касалликларни профилактика қилиш...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқган ҳолда жумладан, ўт қопи саратони олди ҳолати оқибатида юзага келадиган касалликларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликларни олдини олиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сурункали холецистит ва ўт-тош касаллиги ва унинг бир қатор асоратларининг замонавий диагностикаси ва давоси илмий тадқиқотчилар ва амалий шифокорлар орасида муаммо бўлиб қолмоқда (Lee J.M., 2018). Текширув натижалари кўрсатишича, сурункали холециститнинг учраш даражаси 18 дан 65 ёшгача бўлган инсонларда 6,7%-14,6% ташкил қилади. Ушбу касалликнинг келиб чиқишидаги хавф омилларига касаллар ёши, жинси, жигарнинг сурункали касалликлари, ортиқча тана вазни, гиперхолестеринемия, кам ҳаракатланиш ва қандли диабет, чекиш кабилар киради (Григорьева И.Н., 2002). Сурункали холецистит касаллигида жарроҳлик амалиётини қўллаш ҳозирги кунда 15-80% ни ташкил қилмоқда. Бу касалликда жарроҳлик муолажасини қачон ўтказилса фойдали бўлиш масаласи қарама-қаршиликларга учрамоқда. Фақат замонавий текшириш усулларида фойдаланиб, жарроҳлик амалиётини ўз вақтида ўтказишга эришиш мумкин (Бредер В.В., 2017). Шу билан биргаликда, жарроҳлик амалиётидан олдин ўт пуфаги девори қатламларида қандай турдаги патоморфологик ўзгаришлар борлигини билмаслик оқибатида операциядан кейин ҳар хил асоратларга олиб келиши мумкин

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонл «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

(Pang L., 2018). Ўт-тош касаллиги аксарият ҳолларда сурункали холецистит кўринишида давом этади. Яллиғланиш жараёни сурункали тусга ўтса, ўт пуфаги девори қатламларида яллиғланишга хос бўлган лимфоид ва гистиоцитар хужайраларнинг пролиферацияси амалга ошади. Бу турдаги яллиғланиш инфилтрати эса репаратив регенерацияга олиб келиши мумкин, натижада биринчи навбатда ўт пуфаги қопловчи ва без эпителийларининг такомил топиши бузилиб, метаплазия, дисплазия каби дисрегенератор ўзгаришлар ривожланиши мумкин. Булар эса рак олди ўзгаришлари ҳисобланади. Гейстер клапани гипертрофияси – «ўт пуфаги бўйинчаси касаллиги»га кирувчи кам учровчи патологиядир (В.В.Вахидов, 1987). Ошқозон ва ошқозон ости беги гетеротопиялари ўт пуфаги яхши сифатли ўсмалари гуруҳига киради. (Тюрюмин Я.Л., 2011). Амалиётда ўт пуфаги аденоматози ташхиси жуда кам ҳолларда қўйилади, лекин, бу касаллик бошқа дегенератив-дистрофик ўзгаришлар қаторида кўп учрайди. Холецистография амалиётида бу касаллик 5-21% ҳолларда аниқланади (Борисов А.Е., 2008). Аденомиоматознинг этиология ва патогенези ҳозирги кунга қадар тўлиқ ўрганилмаган. Касалликка олиб келувчи омилларга туғма ўзгаришлар, зарарланган аъзо деворининг мушак дисфункцияси, гиперпластик ва гипертрофик жараёнлар, ўт пуфаги бўшлиғида босимнинг ошиши кабилар киради (А.А.Ильченко, 2010). Ўт пуфаги аденомиоматози яллиғланиш билан боғлиқ бўлмаган касаллик бўлиб, у мушак деворининг қалинлашиши, шиллиқ қават эпителийси ўсиши ва унинг девор ичига кириб бориши натижасида девор ичи дивертикулини яъни, Рокитанский-Ашофф синусини ҳосил қилиш билан кечувчи гиперпластик жараёнлар билан характерланади (Марков П.В., 2018).

Ўзбекистонда сурункали холецистит касаллигида ўт қопидаги патологик ўзгаришларни баҳолаш борасида қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (Н.У.Арипова, 2000; Б.К.Алтиев, 2007; У.С.Исмоилов, 2005; Ф.Г.Назыров, 2008; И.Исроилов, 2018; Б.А.Магруппов, 2015). Бироқ ўт қопи рак олди ҳолати морфогенези ва морфологик ўзига хосликлари ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмаган.

Шу сабабдан ушбу илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Инсон ва тажриба хайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари, ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2018–2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади сурункали холецистит ҳар хил формаларини рак олди жараёнида патоморфологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришлари ҳақидаги маълумотларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

биопсия материалида сурункали холецистит ҳар-хил формалари бўйича клиник-анамнестик таҳлил ўтказиш;

сурункали холециститнинг ҳар-хил формаларини гистологик текширув натижасида ўсма олди жараёни сифатида учраш даражасини баҳолаш;

сурункали холецистит ҳар-хил формаларининг патоморфологик ўзгаришларини баҳолаш;

сурункали холецистит ҳар-хил формаларида иммуногистокимёвий маркерларнинг (Ki-67, Vcl-2, p53, Циклин D1) экспрессияланиш даражасини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика патологик анатомия маркази Катталар патологияси ва биопсия ташхислаш бўлимида 2016-2020 йилларда назорат остига олинган 1247 та сурункали холецистит ва улардан 69 тасида ўсма олди дисрегенератор ўзгаришлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўсма олди касаллиги ҳисобланган сурункали холециститнинг турли шаклларидаги патоморфологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришларини баҳолаш материаллари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда морфологик ва иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ўт пуфаги деворида ривожланган патоморфологик ўзгаришлар асосида сурункали холециститнинг турли шаклларида овқатланиш сифати, чекиш даражаси ҳамда жинсий фарқлилик хусусиятларга боғлиқлигининг патоморфологик ўзгаришлари асосланган;

сурункали холециститнинг морфологик шаклларида интерстициал пролифератив, интерстициал фиброматозли ва аденоматоз, полипозли турлари устунлик қилиши асосланган;

сурункали холециститда баҳоланган патоморфологик ўзгаришлардан 5,5 фоизда ўсма олди дисрегенератор жараёнлар очиб берилган;

сурункали холециститнинг морфологик шаклларида дисрегенератор ўсма олди жараёнларни иммуногистокимёвий маркерлар Ki-67, Vcl-2, p53, CiclinD₁ аденоматоз ва полипозда 56,4%, миксаматозли турида 18,2%, фиброматозли турида 15,6% ва пролифератив яллиғланишда 12,7% экспрессияланганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

сурункали холециститларда ўсма олди жараёнлари бўлган дисрегенератор ўзгаришлар касалликларни даволашда эътиборга олиш тавсия қилинган;

сурункали холецистит аксарият ҳолларда аёлларда 62,1% ташкил қилиши, хавфли омиллар сифатида кўпроқ аёлларда ортиқча тана вазни, сифатсиз овқатланиши, эркакларда чекиш ва ошқозон ичак тракти касалликлари устун туриши исботланган;

интерстициал пролифератив васкулитли сурункали холецистит устунлигининг кетма-кетлиги, яъни, интерстициал фиброзланган, интерстициал миксаматоз ва муцинозли ва аденомиоматоз ва полипоз

гиперплазияли турлари ўсма олди дисрегенератор жараёнлар касалликларни хавфли ўсмага ўтиш жараёнини олдини олишда муҳим патоморфологик ташхислаш асоси ҳисобланган;

иммуногистокимёвий текширишларда хужайралар ядросида жойлашган ва унинг пролифератив фаоллигини кўрсатадиган махсус оқсил Ki-67, хужайранинг апоптозланишини блоклайдиган оқсил-ген Bcl-2, меъерий хужайранинг ўсма хужайрасига айланишини кўрсатадиган ген супрессор p53 ва хужайралар бўлиниши циклида G1/S-фазасини кейинги фазага ўтишини таъминлайдиган хужайра ичи оқсили-CiclinD₁ текширувлар асосида ўсма жараёнига ўтиш даражасини белгилашда катта аҳамият касб этиши очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, иммуногистокимёвий ва статистик текширув усуллари асосида ўт қопи раки олди ҳолатининг морфогенези ва морфологик белгиларининг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўт қопи ракиннинг меъерий морфологик ҳолатидаги, жумладан, ўт қопи деворининг ўзига хос тузилиши, деворининг мушак қаватининг сурункали холецистит натижасида шикастланиши мушаклар ораси бириктирувчи тўқимасида лимфоид инфильтрациянинг пайдо бўлиши, мушак толаларининг атрофияланиши, айрим ҳолларда аденомиоз ривожланиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Ўт қопи шиллик қавати эпителийсининг гиперплазияси ҳисобига шиллик парда юзасида полипсимон хосила пайдо бўлиши, унинг таркибида рак олди ҳолатига хос ўзгаришлар ривожланиши кўрсатилганлиги билан патогенетик давосини режалаштиришда фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биопсия материалдан фойдаланиб ўт қопи рак олди ҳолати таъсирида кўплаб беморларда ракга олиб келадиган сабаблар ва иммуногистокимёвий текширув натижалари орқали 4 та маркер яъни Ki-67, Bcl-2, p53 ва CiclinD₁ маркерлари орқали уларнинг турли даражада экспрессияланиши бу касалликнинг ўсма жараёнига ўтиш даражасини белгилайди ва ўрганилган усулда баҳолашга шароит яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўт қопи рак олди ҳолатининг морфогенези ва морфологик белгиларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўт қопи рак олди ҳолатининг морфологик белгиларини баҳолаш бўйича «Ўт қопи рак олди ҳолатини морфогенези ва морфологияси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-р/391-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ўт

қопи рақ олди ҳолатининг патоморфологик белгиларини эрта ташхислаш ва самарали даволаш тизимини ташкиллаштириш имконини берган.

Ўт қопи рақ олди ҳолатининг морфогенези ва морфологик белгиларини морфологик ташхислашни такомиллаштириш асосида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Хоразм вилояти патологик анатомия экспертиза бюроси ва Республика патологик анатомия маркази катталар ва биопсия ташхислаш бўлими амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 26 ноябрдаги 8н-д/204-сон маълумотномаси). Натижада сурункали холециститнинг морфологик шакллари баҳолашда хужайралар ядросида жойлашган ва унинг пролифератив фаоллигини кўрсатадиган махсус оқсил Ki-67, хужайранинг апоптозланишини блоклайдиган оқсил - ген Bcl-2, меёрый хужайранинг ўсма хужайрасига айланишини кўрсатадиган ген супрессор p53 ва хужайралар бўлиниши циклида G1/S-фазасини кейинги фазага ўтишини таъминлайдиган хужайра ичи оқсили-CiclinD1 касаллик турига қараб ҳар хил даражада экспрессияланганлиги тартибини жорий қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўт қопи рақ олди ҳолати, сурункали холецистит ва ўт тош касалликларидаги морфологик хусусиятларининг замонавий талқини» деб номланган биринчи бобида мавзуга тегишли хорижий ва маҳаллий илмий манбалар таҳлили келтирилган. Ўт қопи рақ олди ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари, касаллик ривожланишининг этиологияси, патогенези, касалликнинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларнинг

таснифи, касалликни олдини олиш ва ташхислашдаги замонавий усулларнинг аҳамияти ёритилган. Кенг кўламдаги илмий тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, ўт қопи рақ олди ҳолатининг ўзига хос патоморфологик ўзгаришлари ҳақидаги маълумотларнинг такомиллаштириш тўғрисидаги илмий ишлар маълумотлари тақдим этилган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Ўт қопи рақ олди ҳолатининг морфогенези ва морфологик белгиларини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида материал ва тадқиқот усулларининг баёнига бағишланган.

Республика патологик анатомия маркази катталар патологияси ва биопсия ташхислаш бўлимида 2016-2020 йиллар давомида текширувдан ўтган, жами 1247 та сурункали холецистит билан касалланган пациентларнинг ўт пуфаги, улардаги саратон олди жараёнларини ташхислаш мақсадида ҳар томонлама ўрганиш оқибатида сурункали холециститнинг 4 хили танлаб олинди. Уларнинг ҳар бирида ўт пуфаги деворидан тайёрланган гистологик материалларни ўрганиб, нечтасида ўсмага олиб келувчи дисрегенератор жараёнлардан: патологик гиперплазия, метаплазия ва дисплазия каби патоморфологик ўзгаришларга учраган ҳолатлар ажратиб олинди ва ажратиб олинган ҳолатларни иммуногистохимёвий усулларда текширувдан ўтказилди, натижалар қуйидагича баҳоланди:

Тадқиқотда жами 1247 та танлаб олинган сурункали холецистит ҳасталигидан олинган биопсия материалларидан гистологик текширувлар натижалари бўйича 380 тасида интерстициал пролифератив васкулитли сурункали холецистит аниқланди, улардан 4,7% ўсмага олиб келувчи дисрегенератор ўзгаришлар аниқланди; 334 та сурункали холециститдан интерстициал фиброзланган тури 3,0%; 223 тасида сурункали холециститнинг интерстициал миксаматоз ва муцинозли тури 6,7%; 310 та сурункали холециститнинг аденоматоз ва полипоз гиперплазияли тури 8,4% ташкил қилди. Жами 1247 тадан 69 тасида ўсмага олиб келувчи дисрегенератор ўзгаришлар аниқланди ва 5,5% ташкил қилади.

Бу ҳолатларни барчасида клиник-анамнестик таҳлил ўтказилди, жарроҳликда олинган ўт пуфаги тўқима бўлакчлари формалиннинг 10% нейтралланган эритмасида 48 соат давомида қотирилди.

Бўлакчалар оқар сувда 4 соат ушланганидан кейин, концентрацияси ошиб борадиган спиртли идишларда сувсизлантирилди. Хлороформдан ўтказилгандан кейин парафин қуйилиб, парафин ғишчалар тайёрланди. Парафинли ғишчалардан 5-8 мкмли гистологик кесмалар тайёрланиб, улардан парафини кетказилиб, гематоксилин эозин бўёғида бўялди. Шу парафинли блоклардан тайёрланган гистологик кесмаларда иммуногистохимёвий текширувлар ўтказилди.

Имуногистохимёвий усуллар ўтказилиш тартиби. Ушбу тадқиқот: Лабораторияда олиб борилган тадқиқотлар: Premium Diagnostics Маъсулияти чекланган жамият. Манзил: Тошкент Учтепа тумани, 618а Уйғур кўчаси. № 1260-00 кетма-кет, бир 005951-сонли лицензияси. Дори бир рўйхатга

тасдиқлаш рақами Тв бор/х 00058/03/15, рўйхатга олиш санаси (13 март 2015 йил) бир рўйхатга тасдиқлаш муддати билан (13 март 2020 йил). Моноклонал антителаларни ишлаб чиқарувчи. Дания:С. 42.

Ўт пуфагининг бир қанча ўсма олди касалликлари сифатида баҳоланадиган сурункали холециститлар жарроҳлик йўли билан олиб ташлангандан кейин унинг деворидан тайёрланган гистологик материалларда хужайраларнинг хавфли ўсмага айланиш жараёни бўлган малигнизацияда катта аҳамият касб қиладиган бир қатор иммуногистокимёвий маркерлар ўрганилди.

Улар қуйидагилар: хужайралар ядросида жойлашган ва унинг пролифератив фаоллигини кўрсатадиган махсус оқсил Ki-67, мусбат экспрессияланган хужайралар саналиб хужайраларнинг пролифератив индекси ҳисобланди; хужайранинг апоптозланишини блоклайдиган оқсил - ген Bcl-2.; меъерий хужайранинг ўсма хужайрасига айланишини кўрсатадиган ген супрессори p53; хужайралар бўлиниши циклида G1/S-фазасини кейинги фазага ўтишини таъминлайдиган хужайра ичи оқсили - CyclinD1.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Сурункали холецистит билан хасталанган пациентларнинг клиник-анамнестик таҳлили**» деб номланган учинчи бобида ўсма олди жараёнларини аниқлаш мақсадида ҳар томонлама ўрганиш оқибатида сурункали холециститнинг 4 тури ажратилган. Уларнинг ҳар бирида ўт пуфаги деворидан тайёрланган гистологик материаллар тайёрланиб, нечтасида ўсмага олиб келувчи дисрегенератор жараёнлардан: патологик гиперплазия, метаплазия ва дисплазия каби патоморфологик ўзгаришлар қайт қилинганлари ажратиб олинди. Улардан 380 нафаридан интерстициал пролифератив васкулитли сурункали холецистит аниқланди ва 4,7% да ўсмага олиб келувчи дисрегенератор ўзгаришлар аниқланди. 334 нафаридан интерстициал фиброзланган сурункали холецистит ташхиси қўйилди ва улардан 3,0% да дисрегенератор ўзгаришлар аниқланди. 223 тасида интерстициал миксаматоз ва муцинозли сурункали холецистит ташхиси тасдиқланди ва улардан 15 тасида 6,7% дисрегенератор ўзгаришлар аниқланган. 310 тасида аденомиоматоз ва полипоз гиперплазияли сурункали холецистит ташхиси қўйилди ва улардан 26 тасида, яъни 8,4% ўсма олди дисрегенератор ўзгаришлар ташхисланган. Демак, жами 1247 та сурункали холециститнинг ҳар хил шаклларида 69 тасида ўсмага олиб келувчи дисрегенератор ўзгаришлар аниқланган ва бу 5,5% ташкил қилади (1-жадвалга қаранг).

Сурункали холециститни инсонлар жинсига қараб учраш даражаси таҳлил қилинганда шу ҳолат аниқландики, биз текширган 1247 та ҳолат бўйича аёлларда сезиларли даражада кўп учраганлиги, яъни, 62,1% да учраганлиги аниқланди. Сурункали холециститнинг морфологик шакллари бўйича таҳлил қилинганда, аёлларда энг кўп учраш даражаси интерстициал

фиброзланган сурункали холецистит аниқланди, яъни, жами 218 та ҳолатдан 65,3 % аёлларни ташкил қилди. Кейинги навбатда аденомиоматоз ва полипоз гиперплазияли сурункали холецистит таҳлил қилинганда жами 194 та ҳолатдан 62,6% яна аёлларга тўғри келди. Сурункали холециститнинг бошқа шаклларида ҳам аёлларда учраши юқори кўрсаткични ташкил қилганлиги аниқланди (2-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Сурункали холециститнинг шакллари бўйича учраш даражаси ва улардан ўсма олди жараёнининг учраш даражаси

№	турлари	Абс, сони	%	Ўсма олди ўзгаришлар аниқланган	
				абс., сони	%
1.	интерстициал пролифератив васкулитли сурункали холецистит	380	30,5	18	4,7
2.	интерстициал фиброзланган сурункали холецистит	334	26,8	10	3,0
3.	интерстициал миксаматоз ва муцинозли сурункали холецистит	223	17,9	15	6,7
4.	аденомиоматоз ва полипоз гиперплазияли сурункали холецистит	310	24,8	26	8,4
	Жами	1247	100%	69	5,5

2-жадвал

Сурункали холециститнинг турли шакллариини жинсга нисбатан учраш кўрсаткичи

№	Турлари	сон	аёл	%	эркак	%
	Жами	1247	764	62,1	483	37,9
1	Интерстициал пролифератив яллиғланишли сурункали холецистит	380	229	60,3	151	39,7
2	Интерстициал фиброзланган сурункали холецистит	334	218	65,3	116	34,7
3	Интерстициал миксаматоз ва муцинозли сурункали холецистит	223	134	60,1	89	39,9
4	Аденомиоматоз ва полипоз гиперплазияли сурункали холецистит	310	194	62,6	116	37,4

Бизнинг тадқиқотмизда жами 1247 та сурункали холециститдан 69 тасида ўсма олди дисрегенератор ўзгаришлар борлиги аниқланганлиги юқорида ҳам кўрсатиб ўтилган эди. Кейинги таҳлилимиз бу ҳолатларда беморларнинг хавfli омилларининг учраш даражасини таҳлил қилдик.

Ўсма олди жараёнларнинг ривожланишида хавфли омиллар катта аҳамиятга эга. Бизнинг материалимизда, ўсма олди дисрегенератор ўзгаришлар аниқланган 69 ҳолат бўйича хавфли омиллар таҳлил қилинганда шу ҳолат аниқландики, бу касаллик ривожланишига энг асосий хавфли омил сифатида беморларнинг жинси катта ўрин эгаллади.

Сурункали холециститда ўсма олди дисрегенератор ўзгаришларнинг ривожланиши аксарият ҳолларда аёлларда ривожланганлиги кузатилди.


Аёлларда бу касалликнинг учраш даражаси 67,4% ни ташкил қилса, эркакларда анча кам нисбатда, яъни, бор-йўғи 32,6% эканлиги тасдиқланди. Кейинги хавфли омил, яъни, ортиқча тана вазн ҳам аёлларда 71,8%ни эркакларда 28,2 % ни ташкил қилганлиги кузатилди. Демак, аёлларимиз орасида ортиқча вазнга эга бўлганларда сурункали холецистит учраган ва унинг негизида ўсма олди жараёни ривожланиши юқори даражада бўлиши тасдиқланади. Хавфли омиллардан кейингиси нотўғри овқатланиш аёлларга нисбатан эркакларда юқори даражада бўлиши тасдиқланди. Эркакларда ортиқча тана вазнлиларнинг 71,8% да сурункали холецистит ва ўсма олди жараёнлар ривожланишида бу хавфли омилнинг аҳамияти юқорилиги кузатилди. Аёлларда эса бу хавфли омил нисбатан камроқ аҳамиятга эгалиги кузатилди. Овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари аёлларга нисбатан эркакларда юқори даражада хавфли омил эканлиги тасдиқланди, яъни эркакларда 57,4% ни ташкил қилди. Касалликнинг давомийлиги бўйича ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, сурункали холецистит аслида узоқ вақт яширин ҳолда клиник симптомларсиз давом этади. Шунга қарамасдан бизнинг материалимиз бўйича ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, аксарият ҳолларда сурункали холецистит узоқ вақт давом этганлиги, касалликнинг бошланиш даври яширин ҳолда ўтганлиги, қачонки асоратлар ривожланса клиник жиҳатдан юзага чиқиши тасдиқланди. Биз ўз материалимизда 69 та ўсма олди жараёнлар аниқланган ҳолатлар бўйича касаллик давомийлигини ўрганиб чиқдик.

Натижалар шуни кўрсатдики, беморлар ёш бўлса касалликнинг давомийлиги ҳам қисқа, яъни, 20-39 ёшли беморларда бор-йўғи 4-5 йил давом этганлиги кузатилди. Беморларнинг ёши ўтган сари, касалликнинг давомийлиги ҳам узайиб бориши кузатилди, яъни, 50-59 ёшга келиб 10-12 йилга чўзилгани, 70-79 ёшда яъна ҳам узоқ вақт давом этганлиги кузатилади.


Қайт этилган клиник-анамнестик таҳлил маълумотларга асосланган ҳолда таъкидлашимиз жоизки, социологик маълумотлар, патологоанатомик кўрсаткичлар, уларнинг ўзгаришларидан кўриниб турибдики, сурункали холецистит беморлиги орасида морфологик жиҳатдан 4 та шакли ва тури фарқ қилдинди, уларнинг 5,5 % да ўсма олди жараёнлари бўлган дисрегенератор ўзгаришлар аниқланди. Уларнинг аксариятини аёллар ташкил қилди, яъни, 62,1% бўлиб, хавфли омиллар сифатида кўпроқ аёлларда ортиқча тана вазни, тартибсиз овқатланиш устун турса, эркакларда чекиш ва овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари устун турганлигини изоҳлаш мумкин.

Диссертациянинг «Сурункали холециститнинг морфологик шакллари бўйича патоморфологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришлар ҳақида маълумотлар» деб номланган тўртинчи бобида 380 та интерстициал пролифератив васкулитли сурункали холецистит, улардан 18(4,7%) тасида ўсмага олиб келувчи дисрегенератор ўзгаришлар; 334 та интерстициал фиброзланган сурункали холециститдан 10(3,0%)да; 223та интерстициал миксаматоз ва муцинозли сурункали холециститдан 15(6,7%); 310 та аденомиоматоз ва полипоз гиперплазияли сурункали холециститдан 26(8,4%) ташкил қилди.

Интерстициал пролифератив сурункали холециститда ўт пуфаги девори барча қатламларининг оралиқ тўқимаси тарқоқ ҳолда пролифератив инфильтрат, яъни, лимфо-гистиоцитар хужайралар билан инфильтрацияланганлиги кузатилади.



1-расм. Шиллик ости ва мушак қаватлари чегарасида яллиғланиш инфильтрати зич ва кучли ривожланган, мушак қават оралиқ тўқимасига тарқалган. Бўёқ: Г-Э. X: 10x10.



2-расм. Ўт пуфаги девори мушак қавати кучли пролифератив инфильтрацияга учраган, мушак тутамлари титилган ва атрофияланган. Бўёқ: Г-Э. X: 10x10.

Шиллик парда хусусий пластинкаси пролифератив инфильтрат пайдо бўлганлиги ҳисобига қалинлашган ҳолатда ва инфильтрат хужайралари базал мембрана томонга тарқалганлиги аниқланади. Бу қаватда пролифератив инфильтрат асосан қон томирлар атрофида зич ва кўп жойлашган, натижада қон томир девори хужайралари ҳам пролиферацияланиб, бўшлиғи топайган, натижада, атроф тўқимасида ишемия ҳолати пайдо бўлганлигидан хужайра-тўқима тузилмаларда некробиотик ўзгаришлар ривожланганлиги аниқланади.

Микроскопнинг катта объективида ўрганилганида маълум бўлдики, оралиқ тўқимадаги пролифератив инфильтрат қон томирлар ва нерв тутамларини ўраб олган, сиқиб деформацияга учратганлиги кузатилади. Нерв толаси атрофида кучли шиш ривожланиб, тўқима вакуоллашган ҳолатда, қон

томирлар атрофида ҳам шиш мавжуд ва томир девори хужайраларининг пролиферацияланиши оқибатида қалинлашган, бўшлиғи торайган.

Пролифератив яллиғланишли инфилтрат таркибида асосан ёш ва кам дифференциалланган лимфо-гистиоцитар хужайралар ўрин эгаллаган ва улар бириктирувчи тўқима тутамлари билан тутшиб, бирикиб кетганлиги аниқланади.


Иммуногистокимёвий текширув. Сурункали пролифератив яллиғланишли холецистит гуруҳининг 18 тасида ўсмага олиб келувчи дисрегенератор ўзгаришлар аниқланган ва уларда ўтказилган иммуногистокимёвий текширув натижалари қуйидагича бўлди. Иммуногистокимёвий текширув маркерларидан қуйидагилар бўйича текширув ўтказилди: хужайралар ядросида жойлашган ва унинг пролифератив фаоллигини кўрсатадиган махсус оқсил Ki-67; хужайранинг апоптозланишини блоклайдиган оқсил-ген Bcl-2; меъерий хужайранинг ўсма хужайрасига айланишини кўрсатадиган ген супрессор p53 ва хужайралар бўлиниши циклида G1/S-фазасини кейинги фазага ўтишини таъминлайдиган хужайра ичи оқсили - CyclinD1.

Иммуногистокимёвий тадқиқотимиз олдида қўйилган яна бир вазифамиз, бу – ҳар бир хужайранинг ичида жойлашган ва унинг ўсма хужайрасига айланишини кўрсатадиган оқсилли маркер Bcl-2 ўрганиш бўлди. Бу оқсил протоонкоген бўлиб, апоптозни блоклаб, хужайрани ўсма хужайрасига айланишини таъминлайди. Бу оқсил деярлик барча ўсма олди жараёнларда кучли экспрессияланади. Яна бир иммуногистокимёвий текширувимиз P53 оқсили, яъни, хавфли ўсма пайдо қилувчи ген супрессорга бағишланган. Бу ген организмнинг деярлик барча хужайраларида кам даражада бўлсада аниқланади, ва у меъерий хужайраларнинг хавфли ўсма хужайрасига айлантиришда кучли экспрессияланади. Бу ген супрессор хужайра ядросидаги ДНК шикастланганда экспрессияланиб бошлайди ва унинг фаоллашуви апоптозни тўхтадади. Бу ген супрессор ҳам барча ўсма олди сурункали касалликларида фаоллашади, пролиферацияланиши кучайган хужайраларда унинг концентрацияси ошади. Фаоллашган P53 ген супрессори хужайра ядросида жойлашади. Демак хулоса қилиш мумкинки, циклин D1 экспрессияланган без эпителий хужайраларининг пролифератив фаоллиги ошганлигини, уларнинг без тузилмаларида ҳар хил жойида бетартиб ҳолда жойлашганлиги тасдиқлайди.


Сурункали фиброзланган холециститнинг патоморфологик ўзгаришлари, бу турининг ривожланиш механизми авваламбор ўт пуфаги деворининг узоқ вақт давомида яллиғланиш, механик таъсирот, дистрофия жараёнлари таъсирига боғлиқ. Асосий морфологик белгиси ўт пуфаги девори барча қатламлари оралиқ интерстициал тўқимасининг бириктирувчи тўқима ўсиб кўпайиши ҳисобига қалинлашади, натижада ўт пуфаги девори умумий ҳолда кескин қалин тортади.

3-расмдан кўриш мумкинки, ўт пуфаги девори мушак қавати оралиқ интерстициал қатлами кескин қалинлашган ва ҳар хил даражада такомил топган бириктирувчи тўқима билан қопланган. Без тузилмалари

бириктирувчи тўқима тутамлари билан зич ҳолда ўралган, без эпителийси дисрегенерацияга учраб шакли йириклашган, цитоплазмасида шилимшиқ модда кўпайиб муцинозли безларга метаплазияланган.



3-расм. Сурункали фиброзиланган холециститда аденомиоз ва дезларнинг дисрегенерацияси кузатилади. Бўёқ: Г-Э. X: 10x10.




4-расм. Фиброзиланган бистриктирувчи тўқима шиллиқ ости ва шиллиқ қават хусусий пластинкасига ҳам тарқалган, қопловчи эпителий десквамацияга учраган. Бўёқ: Г-Э. X: 10x10.

Сурункали фиброзиланган холециститнинг яна бир кўринишида ўт пуфаги деворининг ташқи сероз пардали қавати кескин қалинлашган, уни қалин ҳолда фиброзиланган бистриктирувчи тўқима қоплаб олган ва таркибида кўполлашган толали тузилмалари кўплиги ва дегенерацияланиб дағаг оксилли моддага айланганлиги кузатилади. Мушак қавати оралиқ интерстициал қавати ҳам қалинлашиб, фиброзиланган бистриктирувчи тўқима билан қопланган ва мушак тутамларини сиқиб, атрофияга учратган.


Сурункали холециститнинг фиброзиланиш шаклида ўт пуфаги девори барча қатламларида тарқоқ ҳолда фиброзиланган бистриктирувчи тўқима ўсиб кўпайган. Натижада бу тўқимада жойлашган паренхиматоз тўқима хужайралари, жумладан, без ва қопловчи эпителийнинг озикланиши бузилиб, доимий ҳолдаги ишемия ва гипоксияга учраши хужайралар яшаши, такомил топиши ва дифференциалланишининг бузилишига олиб келади, морфологик жиҳатдан дисрегенерация жараёнлари, жумладан метаплазия ва дисплазия ривожланишига олиб келади, бу ўзгаришлар рақ олди ҳолати ҳисобланади. Бунда хужайраларнинг пролиферацияланиш фаоллигини кўрсатадиган Ki-67 маркери қопловчи эпителийда ўрганилганда, шу ҳолат маълум бўладики, қопловчи эпителий нисбатан йириклашган, ядролари базал қисмида жойлашган, цитоплазмаси йириклашиб, вакуоллашган ҳолатдалиги кузатилади.

Сурункали фиброзиланган холециститда иммуногистохимёвий текширув ўтказилганда шу ҳолат аниқландики, ўт пуфаги шиллиқ пардаси қопловчи

эпителийсида хужайралар апоптозини блоклайдиган ген Bcl-2 деярлик экспрессияланмагани кузатилди. Бунда шиллик парда сўзгичлари стромал хусусий пластинкаси таркибидаги лимфо-гистиоцитар хужайралардан айримларида Bcl-2 мусбат даражада экспрессияланганлиги аниқланди. Сўрғичлар апикал қисмида йирик даражада, пастки соҳаларида майда-майда кўринишда экспрессияланганлиги кузатилди. Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, холециститнинг бу турида строма хужайраларининг айримларида апоптоз жараёни блокланган деб баҳоласа бўлади.



5-расм. Ўт пуфаги қопловчи эпителийсининг айримларида пролиферацияланиш фаоллигини кўрсатувчи Ki-67 мусбат бўлган. Бўёқ: Ki-67 га иммуногистохимия усули. X: 10x40.



6-расм. Без эпителий хужайралари орасида пролиферацияланиш фаоллигини кўрсатувчи Ki-67 маркери аниқ экспрессияланган. Бўёқ: Ki-67 га иммуногистохимия усули. X: 10x40.

Сурункали миксаматозли холециститдаги жараён, яъни, бириктирувчи тўқиманинг миксаматозланиши икки хил йўл билан ривожланади. Биринчиси, бу–наслга боғлиқ ҳолдаги бириктирувчи тўқиманинг миксаматозли дегенерацияси, иккинчиси, ҳар хил сурункали касалликлар оқибатида ривожланадиган миксаматозли дегенерация ҳисобланади. Миксаматоз жараёни шиллик ости ва шиллик парда хусусий пластинкасига тарқалганлиги кузатилади. Ушбу қатламлар таркибидаги бириктирувчи тўқимаси ҳам тўлиқ ҳолда титилиб, миксаматозланганлиги аниқланади. Бунда, бириктирувчи тўқима хужайралари сийрак жойлашган, хусусий пластинкада четга сурилган, базал мембрана атрофида хужайравий инфилтрат пайдо қилганлиги топилади. Миксаматозланган бириктирувчи тўқима таркибидаги коллаген толалар фрагментацияланиб, парчаланган ва гомогенлашган, оралиқ моддасида кучли шиш ривожланган.

Бизнинг асосий вазифаларимиздан бири, бу сурункали миксаматозли холециститда ўт пуфаги девори таркибидаги паренхиматоз хужайраларнинг дисрегенератор ўзгаришларини аниқлаш ҳисобланади. Ушбу микрофотографияда ўт пуфаги девори шиллик пардаси кўрсатилган, унда

оралиқ бириктиривчи тўқимали хусусий пластинкаси диффуз ҳолда миксаматозга учраганлиги тасдиқланади. Унинг таркибидаги без тузилмалари ҳар хил катталиқ ва шаклдаги тузилмалардан иборатлиги аниқланади. Аксариятининг бўшлиғи кенгайган шилимшиқ модда билан тўлган, эпителийси миксоид эпителийга метаплазияланиш ҳисобига бўкиб, катталашган, цитоплазмаси кенгайган, шилимшиқ модда билан тўлган.


Сурункали миксаматозли холециститда ҳам иммуногистохимёвий маркерлардан қуйидагилар ўрганилди: хужайраларнинг пролиферацияланиш фаоллигини кўрсатадиган Ki-67; хужайралар апоптозини блоклайдиган ген Bcl-2; меёрий хужайрани ўсма хужайрасига айлантيرувчи ген супрессор p53; хужайралар бўлиниши циклида G1/S-фазасининг кейинги фазаларига ўтишини таъминлайдиган Циклин D1 сурункали холециститнинг бу турида барча иммуногистохимёвий маркерлар бошқа гуруҳларга нисбатан кам даражада экспрессияланганлиги кузатилди.

Хужайраларнинг пролиферацияланиш фаоллигини кўрсатадиган Ki-67 ҳам қопловчи, ҳам без тузилмалари эпителийси орасидаги айрим эпителий хужайраларда ҳар хил даражада экспрессияланганлиги кузатилади. Демак, ўт пуфаги эпителий хужайраларида пролиферацияланиш фаоллиги кескин пасайганлигидан далолат беради. Сурункали миксаматозли холецистит ўсма олди жараёни бўлганлиги учун, ўт пуфаги шиллиқ пардаси ҳам қопловчи, ҳам без эпителийсида кучли дисрегенератор ўзгаришлар юз берганлиги сабабли, апоптозни блоклайдиган хужайраици оксил Bcl-2 экспрессияланиб бошлайди. Бизнинг материалимизда қопловчи эпителийнинг айрим соҳаларида бир-нечта эпителийда ушбу оксил кучли даражада экспрессияланганлиги аниқланади. Бошқа эпителий хужайраларида ядролари чўзинчоқ шаклга кирганлиги ва паст даражада бўлсада бу оксилнинг экспрессияланиши кузатилади.


Юқорида таҳлил қилинган иммуногистохимёвий маркерлар билан бир каторда ўт пуфаги қопловчи ва без эпителийсида ушбу дисрегенератор ўсма олди жараёнлари фонида хужайравий ўсма антигени, яъни ген супрессор ҳам намоён бўлганлиги кузатилади. Бу ген, яъни p53 хужайравий оксил қопловчи эпителийда деярлик аниқланмади. Без эпителийсининг пролиферацияга учраган соҳаларида айрим эпителий хужайралари ядросида p53 ген супрессор сезиларли даражада экспрессияланганлиги, ўт пуфаги шиллиқ пардасида ҳақиқий ўсма олди жараёни ривожланганлигидан далолат беради.

Аденомиоматозли сурункали холецистит, бу ўт пуфагининг орттирилган гиперпластик касаллиги бўлиб, қопловчи эпителийсининг ҳаддан ташқари пролиферацияланиши, мушак қаватига инвагинацияланиши ва Рокитанский-Ашоффнинг сохта дивертикуларини пайдо қилиши билан намоён бўлади. ЖССТ наменклатурасида ўт пуфаги аденомиоматозли гиперплазияси (К.82.8) дейилади. Бу касалликнинг учраш даражаси кам ўрганилган, ўт пуфаги биопсияси ўрганилганда АММ 2-8,7% гача учрайди. Сабаблари номаълум, лекин, унинг ривожланиши қопловчи эпителийнинг туғма нуқсонига боғлиқ деган қарашлар бор. Шу билан бирга, бу касаллик ўт пуфаги деворининг сурункали яллиғланишида пролифератив жараён сифатида кузатилади.

Полипсимон гиперплазиянинг айримларида сўрғичсимон ўсиб кўпайган без тузилмалари деструкция ва деформацияга учраганлиги, уларнинг таркибидаги без эпителийси метаплазия ва дисплазияга учраганлиги аниқланади. Бунда метаплазия жараёнида без эпителийсининг мукоцитар хужайраларга айланганлиги, натижада хужайралар ҳажми катталашиб, шилимшиқ модда билан тўлганлиги кузатилади. Метаплазияга учраган без эпителийсининг айрим соҳаларида 1-ва 2- даражали дисплазия ривожланганлиги тасдиқланади (7-8-расмга қаранг).



7-расм. Метаплазияга учраган без эпителийсининг айрим соҳаларида 1- ва 2- даражали дисплазия ривожланган. Бўёқ: Г-Э. X: 10x10.



8-расм. Без эпителий цитоплазмаси шилимшиқ модда билан тўпланганлиги сабабли шишиб катталашган ва базофил ҳолда бўялган. Бўёқ: Г-Э. X: 10x40.

Муцинозли метаплазияга учраган ўт пуаги без тузилмаларини микроскопнинг катта объектида ўрганилганда маълум бўладики, гиперплазияланган ва метаплазияланган без тузилмалари нисбатан майда думалоқ шаклда, бир-бири билан шишга учраган бириктирувчи тўқимали строма билан ажралган ҳолатдалиги аниқланади. Без эпителийси меёрга нисбатан йириклашган, ядролари базал қаватда жойлашган, цитоплазмаси шилимшиқ модда тўпланганлиги сабабли шишиб катталашган ва базофил ҳолда бўялганлиги кузатилади. Полипоз гиперплазияланган сурункали холециститда сўрғичларнинг айримлари узун, бошқалари калта ва йўғонлиги кузатилади. Сўрғичлар қопловчи эпителийси нисбатан йириклашган, уларнинг ядролари ҳар хил катталиқда, бетартиб жойлашган, айримлари кучли гиперхромазияга учраганлиги аниқланади. Сўрғичлар таркибидаги без тузилмалари ҳам маълум даражада метаплазия ва дисплазияга учраганлиги топилади.

Айрим ҳолатларда гиперплазияга учраган без тузилмалари бир вақтнинг ўзида ўт пуфаги мушак қаватига ҳам ўсиб кирганлиги кузатилади. Бу морфологик ўзгаришлардан хулоса қилиш мумкинки, ўт пуфаги шиллик

пардасидаги гиперплазияли жараён оқибатида ҳам аденомиоматозли, ҳам полипозли гиперплазия бир вақтнинг ўзида ривожланганлиги тасдиқланади.

Аденомиоматозли ва полипозли сурункали холециститнинг жами 310 тадан 26 тасида 8,4% да гистологик текширув натижасида дисрегенератор ўзгаришлар бўлган метаплазия ва дисплазия жараёнлари у ёки бу даражада ривожланганлиги аниқланди. Иммуногистокимёвий текшириш натижалари ҳам шуни кўрсатдики, сурункали холециститнинг бу турида ўсма олди жараёнини тасдиқлайдиган иммуногистокимёвий маркерлар, яъни Ki-67, Vcl-2, P53 ва CiclinD1 сурункали холециститнинг бошқа гуруҳларига нисбатан кучлироқ экспрессияланганлиги аниқланди. Хужайра ядросида жойлашган ва унинг пролиферацияланишини фаоллаштирадиган оқсил Ki-67 полипоз кўринишида гиперплазияланган шиллик парда сўрғичларининг чуқур крипталарининг деярлик барча хужайраларида кучли даражада экспрессияланганлиги кузатилади. Бу турдаги ўзгариш ўт пуфаги шиллик пардаси қопловчи эпителийси ҳақиқий даражада гиперплазияланиб, полипли ўсимталар пайдо қилганлигини тасдиқлайди. Аденоматоз кўринишида гиперплазияланган без тузилмалар эпителийси кўп қаторли турга айланганлиги ва уларнинг орасида аксарият хужайралар ядросида Ki-67 оқсили мусбат даражада экспрессияланганлиги кузатилади. Эътибор берилса, ушбу без тузилмалар эпителий хужайралари орасида лимфоцитлар жойлашганлиги кузатилади, бу эса тўқимада ўсмага айланаётган хужайраларга нисбатан аутоиммун жараёни ривожланганлигини тасдиқлайди

Навбатдаги иммуногистокимёвий текширувимиз хужайралардаги циклинлар оиласига кирувчи оқсил, хужайралар бўлиниши циклида G1 / S-фазасининг кейинги фазаларига ўтишини таъминлайдиган Циклин D1 маркерига бағишланади. Циклин D1 оқсили хужайралар пролиферацияланиши кучайганда, ўсмага айланганда кўп миқдорда экспрессияланади. Бизнинг материалимизда бу оқсил полипоз тузилмалар сўрғичлари ва крипталарини қоплаган эпителий хужайралари ядроларида яхши экспрессияланганлиги кузатилади. Айниқса сўрғичлар эпителийсининг кўп қаторли эпителийга айланган соҳаларида яна ҳам яхши аниқланади. Аденомиоматозланган без тузилмалари аслида ҳар хил катталиқдаги ячейкаларни пайдо қилган, уларнинг орасида строма тузилмалари камлиги ҳақиқий аденоматоз гиперплазияланганлигини тасдиқлайди.

ХУЛОСАЛАР

«Ўт қоғи рак олди ҳолатининг морфогенези ва морфологик белгилари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Клиник-анамнестик таҳлиллар кўрсатишича сурункали холецистит касаллиги орасида 5,5 % да ўсма олди жараёнлари бўлган дисрегенератор ўзгаришлар аниқланди. Ўрганган материалларимизнинг жинси бўйича аксарияти аёллар бўлиб, жами 62,1% ни ташкил қилди. Хавф омиллари

сифатила аёллардаги ортиқча тана вазни, тартибсиз овқатланиш, эркакларда чекиш ва ошқозон ичак йўллари касалликлари устун туриши аниқланди.

2. Сурункали холециститларда аниқланган патоморфологик жараёнларнинг устунлигига қараб 4 та морфологик шакллари ажратилди ва номланди.

3. Сурункали холециститнинг 4 та морфологик шакли фарқ қилинди: улардан, интерстициал пролифератив васкулитли шаклининг 4,7%; интерстициал фиброзланган шаклининг 3,0%; интерстициал миксаматоз ва муцинозли шаклининг 6,7%; аденомиоматоз ва полипоз гиперплазияли формаснинг 8,4% да ўсма олди дисрегенератор жараёнлар аниқланди.

4. Сурункали холециститнинг морфологик шакллари бўйича дисрегенератор ўсма олди жараёнларни баҳоловчи 4 хил иммуногистохимёвий маркерлар, яъни, хужайралар пролифератив фаоллигини кўрсатувчи Ki-67; апоптоз гени Bcl-2; хужайранинг ўсмага айланишини кўрсатаувчи ген супрессор p53 ва хужайралар бўлиниши циклида G1/S-фазасини кўрсатувчи - CyclinD1 экспрессияланиш даражаси бўйича аденоматоз ва полипозли турида 56,4%, миксаматозли турида 18,2%, фиброматозли турида 15,6% ва пролифератив яллиғланишли турида 12,7% ҳолатларда экспрессияланганлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ 04/30.12.2019.Тib.30.03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ЭГАМБЕРДИЕВ КУВОНЧБЕК КОСИМОВИЧ

**МОРФОГЕНЕЗ И МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЯВЛЕНИЯ ПРЕДРАКА
ЖЕЛЧНОГО ПУЗЫРЯ**

14.00.15 – Патологическая анатомия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/Tib668.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tma.uz и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: Юлдашев Бахром Собиржонович
кандидат медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: Исроилов Ражаббой
доктор медицинских наук, профессор
Дауреханов Асатой Маметович
доктор медицинских наук, профессор (Казахстан)

Ведущая организация: Бухарский государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится «28» октября 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, Ташкент, ул. Фараби, дом 2. Зал заседания 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована № 788). (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фараби, дом 2. Ташкентская медицинская академия. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «14» октября 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 17 от «14» октября 2021 года).



Г.И. Шайхова
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Ш. Алимухамедов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

А.Б. Саидов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

